



Ёкутхон ЭРКАБОВЕВА

катта илмий ходим–изланувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

y.erkabaeva@mail.ru

“ГУЛИСТОН” ЖУРНАЛИДА ТАБИАТ ВА КОИНОТ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (1991-2015 йиллар материаллари мисолида)

Мақолада халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган, миллий ўзлиқнинг асоси ҳисобланган номоддий маданий мероснинг бир йўналиши – табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатлар матбуотда чоп этилган материаллар мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, унда табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларни келажак авлодга бус-бутун етказиб беришда матбуотнинг роли кўрсатилган.

В статье анализируются знания о природе и вселенной, традиции, считающиеся отражением национального самосознания, созданные народом на протяжении веков как основа нематериального культурного наследия и зафиксированные в материалах прессы. Также в статье рассматривается роль прессы в передаче этих знаний и традиций молодому поколению.

This article analyzes the knowledge about nature and the universe, the tradition that considered as a national identity which have being created by the people for centuries as the basis of the intangible cultural heritage according the materials of the press. The article also examines the role of the press in transmission of the these knowledge and traditions to the young generation.

Калит сўзлар: журналистика, матбуот, номоддий маданий мерос, миллий ўзига хослик, қадрият, анъана, маънавият, тарғибот, ташвиқот.

Ключевые слова: журналистика, пресса, коммуникация, нематериальное культурное наследие, идентичность, духовность, пропаганда, агитация.

Key words: journalism, press, mass media, globalization, integration, conversation, intangible cultural heritage, national identity, values, traditions, promotion, propaganda.

Глобаллашувнинг муросасизлиги, деградацияланишнинг жиддий таҳдид сифатида тобора кучайиб бориши номоддий маданий мероснинг келажакда йўқолиб кетиш хавфини жадаллаштирмоқда. Бундай шароитда асрлар давомида шаклланган миллий ўзига хослик, урф-одатлар ва қадриятларни сақлаб қолиш давлат ва жамият олдида долзарб вазифаларни кўяди. Ушбу вазифаларни адо этишда мамлакат ОАВ, хусусан, матбуот

нашрлари номоддий маданий мероснинг аҳамиятини аҳолига тушунтириш, жамиятдаги турли ижтимоий институтларнинг хабардорлигини ошириш, ижтимоий бирдамлик, барқарор тараққиёт ва эҳтимолий зиддиятларнинг олдини олиш воситаси сифатида фаол иштирок этиши заруратини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Айниқса, ОАВ номоддий маданий мероснинг эстетик ва маънавий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратиш, одамлар онгини миллий урф-одатлар, анъана ва удумларга боғлиқ билимлар билан бойитиш, уни сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан биридир.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг, йўқ бўлиб кетган ёки йўқолиш хавфи бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизни қайта тиклашга жиддий эътибор қаратилди. Бу жараёнларда ОАВ, хусусан, босма нашрлар иштирок этиб, халқ маънавиятини янада юксалтириш учун самарали фаолият олиб бормоқда. Биз мазкур мавзунини “Гулистон” журнали фаолияти мисолида ўрганишни лозим топдик.

“Гулистон” журналининг мустақиллик йиллари (1991–2015йй.) тахламларини тадқиқ қилар эканмиз, табиат ва коинот билан боғлиқ миллий удумлар, урф-одатларга бағишланган мақолаларга алоҳида ўрин ажаратилгани ва мазкур мавзулар режали ва мунтазам ёритиб борилганига гувоҳ бўлдик.

Изланишларимиз давомида журналнинг 1991–2015 йиллари чоп этилган 154дан ортиқ сони кўриб чиқилди. Номоддий маданий мерос мавзусига доир 140дан ортиқ мақола чоп этилган, шундан 25дан ортиғи айнан табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларга бағишланган мақолалардир. Хусусан, ўзбек халқининг энг азиз ва қадимий байрами “Наврўз” ва у билан боғлиқ урф-одатлар, удум ва маросимлар, баҳорий таомларни тайёрлаш сирлари, шунингдек, анъанавий халқ тақвимлари, куннинг ботишига қараб келгуси куннинг қандай бўлишини, ойнинг туришига қараб об-ҳавони белгилаш, ҳайвонлар ҳаракати орқали содир бўладиган воқеаларни башорат қилиш, халқ табобати ҳақидаги мақолалар ана шулар жумласидандир.

Абдурашид Абдуғафуровнинг “Ҳар кунинг бўлсин, Наврўз!” (1991, 2-сон), Тошназар Омонжоуловнинг “Заминдай қадимий, Меҳржон!” (1994, 4-сон), Файзулла Тўраевнинг “Шошмақом”да Наврўз мадҳи” (1996, 2-сон), Болтабой Шодиевнинг “Наврўзи Олам!” (1998, 6-сон), Тилаб Маҳмудовнинг “Авесто” ҳақида” (1999, 4-сон; 5-сон), Гулсара Қаюмованинг “Наврўз нафосат ва гўзаллик байрамидир” (2000, 2-сон), Нўъмонжон Ўринбоевнинг “Табиат – тирик мавжудот” (2000, 4-сон), Ботир Тожихўжаевнинг “Азалий анъаналар” (2000, 2-сон), Очил Бўриев ва Нурали Исмоиловнинг “Ўзбек

халқи анъанавий уй-жойлари” (2000, 4-сон), Олим Файзиевнинг “Наврўз садоси” (2001, 2-сон), Акмал Саидовнинг “Авесто” – Шарқнинг бебаҳо ёдгорлиги” (2001, 5-сон), Абдукарим Усмонхўжаевнинг “Дорисиз қалб давоси” (2006, 1-сон), Баҳринисо Тўхтасин қизининг “Пиёзнинг шифобахш хусусиятлари” (2007, 1-сон), Рауф Раҳимнинг “Марҳабо, Наврўз!” (2007, 2-сон), Беҳрўзнинг “Турвакнинг довуғи сўндими” (2007, 2-сон), Абдулла Саидовнинг “Қўли очик чавандоз” (2007, 2-сон), Сафар Муҳаммадиевнинг “Шамоллашдан эҳтиёт бўлинг” (2008, 1-сон), “Наврўз гўзаллик айёми” (2009, 2-сон), Раҳматулла Саримсоқовнинг “Шамолни тўхтатиш” (2009, 5-сон), Дилфуза Кенжаеванинг “Баҳор келса, гул бўлади бу боғлар” (2013, 2-сон), Нигина Ғуломованинг “Кўклам таомлари” (2013, 2-сон) каби мақолалари шулар жумласидандир.

Юқорида санаб ўтилган мақолаларнинг аксарияти табиатнинг уйғониш, жонланиш, янгиланиш ва покланиш байрами – қадимий “Наврўз” билан боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Абдурашид Абдуғафуровнинг “Ҳар кунинг бўлсин, Наврўз!” мақоласида Алишер Навоий асарларида Наврўзнинг илмий ва бадиий ифодаси ҳақида гап боради. “...1486 йилда ёзилган “Тарихи мулки Ажам” (“Эрон подшоҳлари тарихи”) асарида Наврўзни кеча ва кундузнинг баҳорги тенг келиш куни (“эътидоли рабиий”) деб илмий асосланган ҳақиқат таъкидланмоқда, шунингдек, байрам сифатида тантанавор нишонлаш одатининг ярим афсонавий шох Жамшид замонидан бошланганини қайд этилган. Навоий ғазалларининг бирида баҳор ёмғири афсонавий ҳаёт суви билан тенглаштирилади, у бутун борлиққа қайта жон бахш этиб, мавжудотни, шоир ибораси билан айтганда, “тирилтиради”(4,5).

Файзулла Тўраевнинг “Шошмақом”да Наврўз мадҳи” мақоласида Наврўз мадҳи, тараннуми мақомлар ва халқ қўшиқларида тўлақонли акс этганлиги ҳақида кикр юритилади. “... Наврўз айёмининг мадҳи Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари мусикасида ўз аксини топган. Мақом шўъбаларига назар солар эканмиз, унда Наврўзга бағишланган “Наврўз” ёки “Наврўзи Ажам”, “Наврўзи Сабо”, “Наврўзи Хоро”, “Наврўзи Баёт”, “Наврўзи Араб”, “Наврўзи Руховий”, “Наврўзи Бузург”, “Наврўзи Хурдак”, “Наврўзи Кайқубод” каби шўъбаларни учратамиз. Мақомларнинг Наврўзга бағишланган бу шўъбалари, асосан, қадимги ўн икки мақом тизимига тааллуқли бўлиб, бу шўъбаларнинг ҳар бири маълум маънони англатади”(8, 11). Муаллиф юқорида қайд қилинган мақом шўъбаларидаги оҳанглар йўналиши, куйнинг ритмик тузилишини таҳлилга тортади. Мақомларнинг бошқа шўъбалари сингари улар ҳам даромад, миёҳат, намудлар ва фурувард ҳамда супоришлардан иборатлигини таъкидлайди. Усулларнинг ўйноқилиги, баҳор

нафаси, ёшлик ва қувноқлик завқи, орзу-умидлар шукуҳи ҳамда оммавий сайлларга хос тантанавор кайфият уфуриб турганлигини кўрсатиб беради.

Болтабой Шодиев “Наврўзи Олам!” сарлавҳали мақоласида Наврўз байрамининг келиб чиқиши ва шаклланишини даврларга бўлиб ўрганиб, ҳар даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади. Унга кўра, биринчи давр: ибтидоий ёки Наврўзнинг шаклланиш даври. “...бу давр энг қадимий замонлардан зардуштийликнинг пайдо бўлишигача бўлган асрларни ўз ичига олади. Йил ҳисоби, ундаги фасллар, ойлар, кунларни билиш, янги йилнинг бошланишини идрок этиш Наврўз байрамининг яратилишида катта аҳамият касб этган. Бундан келиб чиқадики, Наврўз шаклланиш даврида деҳқончилик билан эмас, овчилик ва чорвачилик билан боғлиқ бўлган. Ўша пайтда одамлар йилни икки фасл, яъни қиш ва ёздан иборат деб тушунганлар. Аجدодларимиз дунё, табиат, одамзод бир-бирига қарама-қарши хусусиятлар, кураш ва зиддиятлар бирлигидан иборат деб билганлар: қиш бўлмаса ёз бўлмас, тун бўлмаса кун бўлмас, эр-хотин бўлмаса оила бўлмас, ҳаракат бўлмаса тараққиёт бўлмас...”(10, 11). Муаллиф иккинчи даврни Наврўзнинг зардуштийликка боғланиб, мустаҳкам таркибига эга бўлган даври деб атайди: “...Наврўзнинг зардуштийлик ва дастлабки ислом даврига тааллуқли энг ишончли ва қимматли манбаси – Берунийнинг “Осор ул-боқия” (“Қадимги аجدодлардан қолган ёдгорликлар”) асаридир. Унда хоразмийлар ва сўғдийларнинг мавсумий байрамлари ҳақида кенг маълумот берилади. Беруний мавсумий байрамлар ҳақида ёзар экан, уларни диний ва халқ байрамларига ажратади. Айниқса, мусулмонлик даврида янги куёш тақвими қабул қилингач, ҳам Турон, ҳам Эронда Наврўз баҳорнинг кун ва тун тенг келган биринчи куни халқ шодиёнаси ва айни чоғда, давлат байрами сифатида нишонлана бошланган...”(10, 12). Учинчи давр, Наврўз – ўрта асрларда. Муаллиф Наврўз ҳақида маълумот берувчи берувчи ёзма манбалар ана шу даврда яратилганини алоҳида таъкидлайди. Айниқса, Беруний ва Умар Хайём асарлари масалага илмий ёндашилганлиги билан ажралиб туради. “...ўрта асрларда, гарчи ислом етакчи динга айланган бўлса-да, Наврўз байрамларида оташпарастлик билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ва томошалар бир даражада ислоҳ этилган ҳолда яшашда давом этган. Ислом Наврўзни ўз таъсири остига олишга киришган. Марҳумларни эслаб куръон тиловат қилиш, масжидлар қошида сумалак, ҳалим, гўжа тайёрлаб етим-есирлар ва бева-бечораларга тарқатиш, мачит ва мадрасаларда ҳам Наврўзни нишонлаш шундан далолат беради”(10, 12).

Тўртинчи давр, Наврўз – Амир Темур ва Темурийлар даврида. Муаллиф таъкидлашича, Амир Темур Мовароуннахр ва Хуросондаги элатлар, уруғлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, ўтроқ ва кўчманчиларни бирдам

килиш, марказлашган давлатни мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай ижтимоий ҳаракат, санъат, маросим, урф-одатларни қўллаб-қувватлаган. Бу пайтда халқнинг руҳини кўтарувчи байрамлар, маросимлар, сайллар ва тантаналарга эътибор берилган, эъзозланган. Бешинчи давр, Наврўзнинг Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида байрам қилиниши. Муаллиф ёзишича, ушбу даврда халқ ижоди, санъати, байрамлари, маросимлари янада ривожланиб, Наврўз давлат миқёсида кенг нишонланган. Олтинчи давр, Наврўзнинг мустамлака ва шўролар тузуми шароитидаги аҳволи. "...бу даврда Наврўзнинг қисмати оғир бўлди. Ўтмишдан келаётган бутун маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар тафтиш қилина бошланган экан, калтакнинг бир учи Наврўзга ҳам тегиши табиий эди. Наврўз, Меҳржон байрамлари ўрнига "Колхоз тўйи", "Ҳосил байрами" деган байрамлар пайдо бўлди"(10, 13). Еттинчи давр, Мустақиллик йилларида Наврўз байрамининг нишонланиши. Истиқлол Наврўз байрамига янги даврни бошлаб берди. У давлат байрамига айлантирилди, мамлакат маънавий-маданий ҳаётида, халқнинг турмуш тарзида ўз ўрнини эгаллаб, қаддини баланд кўтарди.

Журналнинг 2000 йил 2-сонида чоп этилган Ботир Тожихўжаевнинг "Азалий анъаналар" номли мақоласи ҳам Наврўзга бағишланган. Муаллиф бу байрамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилган: "... бу байрамнинг юзага келиши ҳар томонлама илмий асосланган коинот ва табиат қонуниятлари, яъни Қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундуз вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, жамиятнинг жонланиши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ бўлган. Бу эса Наврўзни табиат байрами деб нишонлаш учун асос бўлган"(9, 11). Муаллиф, шунингдек, аجدодларимиз нишонлаб келган коинот, табиат, йил фасллари ва инсоний эҳтиёжлар асосида вужудга келган ҳамда ўзаро чамбарчас бўлган – "Меҳржон", "Сув сайли", "Сада" каби байрамларни ҳам тиклашга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлайди: "...мевалар пишиб, боғбон ва деҳқонлар ҳосилни йиғиб олган палла куз байрами – "Меҳржон" ўтказиш одатини тиклаш вақти етган бўлса керак. Ёзда қуёш тик бўлиб, энг узун кун ва энг қисқа тун содир бўлганда, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилганда, табиат ва одамларда сувга эҳтиёж кучайганда "Сув сайли" ўтказилса, айни муддао бўларди. Қишда (энг узун тун ва энг қисқа кун бўлганда) одамларда иссиқликка эҳтиёж кучайганда, оловнинг кашф этилишига бағишланган "Сада" байрамини ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Табиий ва инсоний эҳтиёжлар асосида вужудга келган бу байрамлар абадий ва мангу ходиса сифатида, йил фасллари нишонланадиган тантаналар бўлиб қолади"(9, 11).

Тошназар Омонжоуловнинг “Заминдай қадимий, Меҳржон!” номли мақоласида табиат билан боғлиқ яна бир қадимий байрам “Меҳржон” ҳақида сўз боради. Меҳржон меҳнат мавсуми якунига етганлиги, йилнинг ярми, кузги кун-тун тенглиги тантанасидир. Бу байрамлар шунчаки ўйлаб топилмаган, улар ўтмишдаги ота-боболаримизнинг коинот ва табиат қонуниятларини, қуёш ва ер ўртасидаги муносабатларни тўла ўрганишлари асосида вужудга келган. “...Коинот ва табиат сирларини ўрганиш, унинг асосида ҳўжалик юритиш қадимий туркий халқлар қавмларига хосдир. Деҳқончилик ва чорвачилик вужудга келган даврлардан йил ҳисоби ҳаётий заруратга айланди, чунки вақт ҳисобидаги хатолик бутун ҳўжаликнинг касод бўлишига олиб келиши мумкин. Энг дастлабки йил вақти ҳисоби ой-йил якунига асосланган бўлса-да, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши билан қамарий-шамсий, шамсий йил-ой кунлари вужудга кела бошлади, деҳқонлар ва чорвадорлар маросимлари тартибга туша борди”(6, 18). Муаллиф, шунингдек, табиат ва коинот билан боғлиқ бўлган “Шохмойлар”, “Лой тутиш”, “Суст хотин”, “Чой момо”, “Обло барака” каби деҳқонлар ҳамда чорвадорлар турмуш тарзи, фаолиятида алоҳида ўрин тутганини таъкидлайди.

Ушбу мақолаларда кўтарилган мавзулар халқимизнинг миллий байрамлари, меҳнат фаолияти ёки ўйинлари, миллий санъат кўринишлари каби урф-одатлар, анъана ва удумларнинг табиат ва коинот ҳақидаги билимлари билан боғлиқ. Бу борада ушбу нашрлар ана шу билимларни халқимиз эътиборига ҳавола қилиб, уларни асраш, муҳофаза қилиш ва келажак авлодга етказишда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро Конвенция. – Париж, 2003 йил 15 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори билан тасдиқланган “2010–2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури”.
3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 123 б.
4. Абдуғафуров А. Ҳар кунинг бўлсин, Наврўз!// Гулистон, 1991, 2-сон. – Б. 5–7.
5. Аҳмедова О.М. Ўзбек фольклорининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва талқини тамойиллари. Филол.фан.ном...дисс.автореф. – Тошкент, 2011. – 28 б.
6. Омонжоулов Т. Заминдай қадимий, Меҳржон!// Гулистон, 1994, 4-сон. – Б.18–21.
7. Саримсоқов Р. “Шошмақом”да Наврўз мадҳи // Гулистон, 2009, 5-сон. – Б. 21–23.
8. Тўраев Ф. “Шошмақом”да Наврўз мадҳи// Гулистон, 1996, 2-сон. – Б.11–13.
9. Тожихўжаев Б. Азалий анъаналар.// Гулистон, 2000, 2-сон. – Б.11–13.
10. Шодиев Б. Наврўзи Олам!// Гулистон, 1998, 6-сон. – Б.11–14.